# Аллоҳ Сен сано ва улуғлик аҳлидансан




15:17 / 24.11.2022 4574

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъдан бошларини кўтарсалар:

اللهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الحَمْدُ مِلْءُ السَّمَاوَاتِ وَالأَرْضِ وَمِلْءُ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ أَهْلَ الثَّنَاءِ وَالْمَجْدِ أَحَقُّ مَا قَالَ العَبْدُ وَكُلُّنَا لَكَ عَبْدٌ، اللهُمَّ لاَ مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلاَ مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ وَلاَ يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ

«Аллоҳумма роббана лакал ҳамду мил`ас самаваати вал арзи ва мил`а ма ши`та мин шай`ин баъду, аҳлас санаи вал мажди. Аҳаққу маа қолал ъабду ва куллуна лака ъабдун. Аллоҳумма лаа маниъа лимаа аътойта ва лаа муътийа лимаа манаъта ва лаа йанфаъу зал жадди минкал жадд», дер эдилар.
(Маъноси: Эй Аллоҳим, Сенга еру осмон тўлалигича ва ундан кейин нимани хоҳласанг, ўшанинг тўлалигича ҳамд бўлсин. Эй Аллоҳ Сен сано ва улуғлик

аҳлидансан. Банда айтадиган нарсага ҳақлироқсан. Ва барчамиз Сенга бандамиз. Эй Раббим, Сен берган нарсани ман қилувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Ҳузурингда бойлик эгасига бойлиги фойда бермас.) Имом Муслим ривоятлари.